3) Совет территориясида жойлашган саноат корхоналарига ишлаб чиқариш самарадорлигини ва ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини оширишда, моддий, меҳнат ва моллиявий ресурслардан фойдаланишда, меҳнат унумдорлигини оширишда, ишчилар ва хизматчиларнинг моддий ва маданий турмуш даражасини юксалтиришда ёрдам кўрсатади, шу масалалар юзасидан корхона раҳбарларининг докладларини кўриб чиқади, уларга тавсияномалар беради, зарур бўлган ҳолларда, эса юқори Советнинг ижроия комитетига ўз таклифларини киритади;

4) маҳаллий хом ашё негизида, шунингдек Совет территориясида жойлашган саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш чиқиндилари негизида халқ истеъмол қиладиган товар-

лар ва маҳаллий бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш-
ни ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта
ишлаш, халқ касб ва ҳунарларини ривожлантириш чорала-
рини кўради; кенг тарқалган фойдали қазилмалар конлари-
нинг тўғри қазилишнинг кузатиб боради; маҳаллий хом ашё
ва ёқилғининг қўшимча ресурсларини аниқлайди ҳамда за-
рур бўлган ҳолларда улардан фойдаланиш тўғрисида юқори
органларга таклифлар киритади;

5) балиқ овлаш ва овчиликни ривожлантириш чораларини
кўради.

16-м о д д а. Қурилиш, транспорт ва алоқа соҳасида халқ
депутатлари посёлка, қишлоқ Совети:

1) аҳоли пунктларини планлаштириш ва қуриш лойиҳала-
рини кўриб чиқади ва юқори Советнинг ижория комитетига
киритади, қурилиш планларига роя этилиши устидан кон-
троль қилиб боради; башарти қурилиш ишлари аҳоли пункт-
ларини қуриш планларини бузган ҳолда олиб борилаётган
бўлса, қўрилишни тўхтатиб қўяди;

2) Совет территориясида уй-жой бинолари, социал-мада-
ний муассасалар ва коммунал корхоналар қурилишининг бо-
ришини ва сифатини контроль қилиб боради, шу объектлар
қурилишининг бориши ҳақида колхозлар, совхозлар корхо-
налар ва қурилиш ташкилотлари раҳбарларининг докладла-
рини кўриб чиқади;

3) маҳаллий Советларга ажратиладиган маблағлар ҳисо-
бига уй-жой бинолари, коммунал корхоналар ва иншоотлар
(водопроводлар, канализация, энергия ва иссиқлик билан
таъминлаш корхоналари ҳамда газ хўжалиги, сув ҳавзала-
ри, қудуқлар, ҳаммомлар ва бошқалар) қурилишини таш-
кил этади;

4) Совет территориясида жойлашган колхозлар, совхоз-
лар, корхоналар ва бошқа ташкилотлар билан келишган
ҳолда уларнинг уй-жой, йўл ва коммунал хўжалик объект-
ларини қуриш ва ремонт қилишга ажратилган маблағлари-
дан биргаликда фойдаланиш тўғрисидаги, шунингдек зарур
бўлган ҳолларда шу маблағларни марказлаштириш ҳақида-
ни масалаларни ҳал қилади;

5) маҳаллий аҳамиятга эга бўлган йўллар, кўприклар,
сувдан ўтказиш воситаларини қуриш ва ремонт қилишни
ташкил этади, уларнинг соз ҳолатда бўлишини контроль қи-
либ боради, шу ишларни бажаришга белгиланган тартибда
колхозлар, совхозлар, корхоналар ва бошқа ташкилотларни
жалб этади;

6) колхозлар, совхозлар, саноат, транспорт, қурилиш ва
бошқа корхоналар ҳамда ташкилотлар томонидан автомо-
биль йўлларини қуриш ва ремонт қилиш планларининг ба-
жарилишини контроль қилиб боради;

7) Совет территориясида транспорт ташкилотларининг автомобиль транспорти ва транспортнинг бошқа турлари билан хизмат кўрсатиш соҳасидаги ишнинг контроль қилади;

8) табиий офатларга, ёнғинларга қарши курашиш, беморларни ташиниш, медицина ходимларининг оғир беморлар хузурига боришлари ва бошқа фавқулодда ҳолларда транспорт воситаларини бериш ҳақида колхозлар, совхозлар, корхоналар, муассасалар ва бошқа ташкилотларга фармойишлар беради;

9) йўл ҳаракати хавфсизлигини тадбирларини амалга оширишда ёрдам кўрсатади;

10) алоқа бўлимлари ва агентликларининг Совет территориясида истиқомат қилувчи аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасидаги ишнинг контроль қилиб боради; маҳаллий телефон ва почта алоқасини, радиолаштириш ва телевидениени ривожлантиришда, алоқанинг линия иншоотларини ремонт қилиш ва қўриқлашда алоқа органларига ёрдам кўрсатади.

17-м о д д а. Уй-жой, коммунал хўжалик ва ободончилик соҳасида халқ депутатлари посёлка, қишлоқ Совети:

1) ўз қарамоғидаги уй-жой ва коммунал хўжаликка раҳбарлик қилади; ўз ихтиёридаги уй-жой бинолари, коммунал корхоналар, маъмурий бинолар ва бошқа иморатлардан тўғри фойдаланилишини таъминлайди, уларнинг капитал ва жорий ремонт қилинишини ташкил этади; ўз қарамоғидаги истиқомат қилиш учун мўлжалланмаган бинолардан ишнинг кузини билган ҳолда тўғри фойдаланилишини таъминлайди;

2) ўз территориясида жойлашган, юқори органларга бўйсунувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг уй-жой ва коммунал хўжалик соҳасидаги фаолиятини, уларга қарашли уй-жой фондидан, коммунал корхоналар ва иншоотлардан тўғри фойдаланилишини контроль қилиб боради;

3) Советнинг ихтиёрида бўлган уй-жой фондини тақсимлайди; давлат, кооператив ва жамоат ташкилотларининг уйларидаги уй-жой майдонини бериш тўғрисида маъмурият билан касаба союзлари фабрика, завод, маҳаллий комитетлари биргаликда чиқарадиган қарорларни тасдиқлайди, қонунларда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир; граждандарга уй-жой майдонига кўчиб кириш учун ягона ордерлар беради;

4) посёлка, қишлоқ бюджетидаги халқ маорифи, маданият ва соғлиқни сақлаш муассасаларини ёқилғи, ёритиш воситалари, асбоб-анжомлар билан таъминлаш, уларнинг биноларини ремонт қилиш ҳамда шу муассасаларнинг ходимларига зарур уй-жой манший шароитлар яратиб бериш чораларини кўради, қайси идорага бўйсунушидан қатъий назар, колхозлар, совхозлар, корхоналар ва бошқа ташкилотларни улар-

нинг розилиги билан мазкур тадбирларни бажаришда катнашишга жалб этади;

5) аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишига раҳбарлик қилади, қайси чидорага бўйсунушидан қатъий назар, колхозлар, совхозлар, корхоналар, муассасалар ва бошқа ташкилотларни уларнинг розилиги билан ободончилик ишларига жалб этади; колхозлар, совхозлар, корхоналар ва бошқа ташкилотларнинг розилиги билан улар ободончилик учун ажратадиган маблағларни бирлаштиради; ишлаб чиқариш территорияларининг ободонлаштирилишини контроль қилиб боради; аҳоли пунктларини кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этади; дарахт ва кўкатларни сақлаш ва парвариш қилиш, сув ҳавзаларини ва гражданилар дам оладиган жойларни муҳофаза қилиш чораларини кўради; амалдаги қонунларга мувофиқ кўчалар, майдонлар ва аҳоли пунктларининг бошқа таркибий қисмларига ном беради; уйларнинг тартиб-рақамларини белгилайди;

6) уй-жой ва коммунал хўжаликни бошқарувчи юқори органлар билан келишган ҳолда Советга бўйсунувчи уй-жой ва коммунал хўжалик корхоналарининг раҳбарларини тасдиқлайди ва лавозимидан бўштади;

7) қабристонлар, биродарлар қабрлари ва бошқа дафн этиш жойларининг тегишли ҳолатда сақланишини таъминлайди.

18-м о д д а. Савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасида халқ депутатлари посёлка, қишлоқ Совети;

1) Совет территориясида давлат, кооператив ва колхоз савдосини, аҳолига маиший хизмат кўрсатишни контроль қилиб боради; савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини жойлаштириш ва ихтисослаштириш планларини тасдиқлайди; аҳолига савдо хизмати кўрсатишнинг прогрессив формаларини жорий этишга кўмаклашади;

2) аҳолига маиший хизмат кўрсатишни ташкил этиш, маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг тармоқларини кенгайтириш чораларини кўради, уларнинг ишини контроль қилиб боради; маиший хизмат кўрсатишнинг янги турлари ва формаларини жорий этишга кўмаклашади;

3) магазинлар, бозорлар, умумий овқатланиш корхоналарининг ишини, савдо қондаларига, белгиланган нархларга риоя этилишини ҳамда харидорларга маданий хизмат кўрсатишнинг таъминланишини, аҳолининг талабларини ҳисобга олган ҳолда озиқ-овқат ва саноат товарларининг ўз вақтида ташиб келтирилишини контроль қилиб боради;

4) матлубот кооперацияси корхоналарнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашёсини қайта ишлаш ва сотиш соҳасидаги ишини контроль қилади;

5) савдо-сотиқнинг аҳволи ва товар обороти юзасидан белгиланган планлар ва бошқа план топшириқларининг қандай бажарилаётганлиги ҳақида савдо, умумий овқатланиш корхоналари, қишлоқ матлубот жамиятлари правленийлари раҳбарларининг, шунингдек ўзларининг ишлаб чиқариш фаолияти ҳақида маиший хизмат кўрсатиш корхоналари раҳбарларининг докладларини тинглайди;

6) матлубот жамияти Уставига риоя этилишини контроль қилади;

7) маиший хизмат кўрсатишни бошқарувчи юқори органлар билан келишган ҳолда Советга бўйсунувчи аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг раҳбарларини тасдиқлайди ва лавозимдан бўшатади;

8) маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг аҳоли учун қулай бўлган иш соатларини белгилайди, улар учун белгиланган иш вақтига риоя этилишини контроль қилиб боради.

19-м о д д а. Халқ маорифи соҳасида халқ депутатлари посёлка, қишлоқ Совети:

1) ёшларнинг умумий мажбурий ўрта таълимини таъминлайди; мактаб ёшидаги болаларни ҳисобга олади, ўқувчиларининг мактаблардан кетиб қолмишларига қарши кураш олиб боради;

2) Совет территориясида жойлашган мактаблар, мактаб интернатлари, мактабгача ва мактабдан ташқари тарбия болалар муассасаларининг ишини контроль қилади;

3) мактабнинг ишлаб чиқариш билан боғланишини мустаҳкамлаш, меҳнат таълимини, тарбияни ва касбга йўллашни яхшилаш, умумий таълим мактабларининг ўқувчиларини мактаб дарсликлари билан текин таъминлаш чораларини кўради;

4) амалдаги қонунларга мувофиқ, посёлка, қишлоқ бюджетидаги қуни узайтирилган мактаблар (группалар)да болаларни озик-овқат ҳақини тўлашдан озод қилиш ҳақидаги масалаларни ҳал қилади;

5) мактаблар, мактаб интернатлари, мактабгача ва мактабдан ташқари тарбия болалар муассасалари тармоқларини кенгайтириш чораларини кўради; ўз маблағлари ҳисобида мактаблар, доимий ва мавсумий мактабгача ва мактабдан ташқари тарбия болалар муассасалари қуриш соҳасида колхозлар, совхозлар ва корхоналарининг ташаббусини қўллаб-қувватлайди, уларни Совет территориясида жойлаштириш ҳақидаги масалаларни ҳал қилади;

6) ота-оналарининг қаровсиз қолган болаларни мактаб-интернатларга мактаблар ҳузуридаги интернатларга, болалар уйлари ва граждандарнинг oilаларида тарбияланга

жойлаштириш чораларини кўради; Совет территориясида жойлашган болалар уйларининг ишини контроль қилиб боради; вояга етмаганларнинг қаровсиз қолишлари олдини олиш ишларини ташкил қилади;

7) бошланғич, саккиз йиллик ва ўрта умумий таълим мактабларининг қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи ўқувчиларининг мактабга ва ундан истиқомат жойларига текши қатновини, шунингдек ўқувчиларининг меҳнат бўйича машғулотлар утказиладиган жойга текши ташилишини таъминлаш чораларини кўради;

8) юқори халқ маорифи органлари билан келишган ҳолда Советга бўйсунувчи мактаблар ва мактабгача ҳамда мактабдан ташқари тарбия болалар муассасаларининг раҳбарларини тасдиқлайди ва лавозимдан бўшатади;

9) бюджет маблағлари ҳисобига, колхозлар, матлубот жамиятлари ва касаба союзлари маблағларини жалб қилиш ҳисобига мактаблар ҳузурида умумий таълим фондини барпо этади; умумий таълим фондини мактаблар ўртасида тақсимлайди, шу фонддан фойдаланиш устидан контроль қилиб боради.

20-м о д д а. Маданий-оқартув ишлари соҳасида халқ депутатлари посёлка, қишлоқ Совети:

1) Советга бўйсунувчи қишлоқ клублари, маданият уйлари, кутубхоналар, қизил бурчаклар ва бошқа маданият муассасаларининг ишига раҳбарлик қилади; қайси идорага бўйсунушидан қатъий назар, Совет территориясида жойлашган бошқа маданият муассасаларининг фаолиятини контроль қилади ва уйғунлаштириб туради; маданият муассасаларининг тармоқларини кенгайтириш чораларини кўради;

2) Советга бўйсунувчи маданият муассасаларининг махсус маблағларидан тўғри фойдаланилишини, шунингдек колхозлар, совхозлар, матлубот жамиятлари маданият фондлари маблағларининг тўғри ажратилиши ва сарфлаишини контроль қилиб боради ҳамда зарур бўлган тақдирда улар билан келишиб, мазкур маблағлардан марказлаштирилган ҳолда фойдаланиш чораларини кўради;

3) аҳоли учун лекциялар, докладлар ва сўхбатлар ўтказилишини ташкил этади; илмий-оқартув жамоат ташкилотларининг ишига ёрдам беради;

4) маданиятни бошқарувчи юқори органлар билан келишган ҳолда Советга бўйсунувчи маданият муассасаларининг раҳбарларини тасдиқлайди ва лавозимдан бўшатади;

5) аҳолига мунтазам равишда кино хизмати кўрсатиш, халқ ижодиётини ва бадий ҳаваскорликни ривожлантириш чораларини кўради;

6) давлат байрамлари шонли саналар билан боғлиқ бўл-

ган оммавий тадбирларни ўтказди; совет гражданлик урф-одатларини турмушга жорий этишга ёрдам беради;

7) қонунларга мувофиқ, Совет территориясида жойлашган тарих ва маданият ёдгорликларининг қўриқланиши ва улардан фойдаланилиши устидан давлат бошқаруви ва давлат контролини амалга оширади.

21-м о д д а. Соғлиқни сақлаш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, физкультура ва спорт соҳасида халқ депутатлари посёлка, қишлоқ Совети:

1) аҳолини текни медицина ёрдами билан таъминлаш чораларини куради; посёлка, қишлоқ бюджетдаги соғлиқни сақлаш муассасалари ишини ташкил этишга раҳбарлик қилади; Совет территориясида жойлашган, юқори органларга бўйсунувчи соғлиқни сақлаш муассасалари ишининг ташкил этилишини контроль қилиб боради;

2) участка касалхоналари, туғриқхоналар, фельдшерлик-акушерлик пунктлари, аптекалар ва бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларини Совет территориясида оқилона жойлаштириш чораларини кўради;

3) Совет территориясида жойлашган соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарларининг аҳолига медицина ва санитария-профилактика хизмати кўрсатишининг аҳволи туғрисидаги докладларини тинглайди;

4) юқори соғлиқни сақлаш органлари билан келишган ҳолда Советга бўйсунувчи соғлиқни сақлаш муассасаларининг раҳбарларини тасдиқлайди ва лавозимдан бўшатади;

5) санитария-профилактика ва эпидемияга қарши тадбирларни ўтказишда, аҳоли орасида санитария-оқартув ишларини ташкил этишда соғлиқни сақлаш органларига ёрдам беради; аҳоли пунктлари, сув таъминоти манбалари, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, уй-жойлар, мактаблар ҳамда бошқа муассасаларининг санитария ҳолатини контроль қилиб боради;

6) эпидемик юқумли касалликлар пайдо бўлган тақдирда беморларни жойлаштириш учун бинолардан фойдаланиш чораларини кўради, карантин характеридаги тадбирларни ўтказди ва шу тадбирларнинг бажарилишини контроль қилади;

7) оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш тадбирларининг ўтказилишини таъминлайди;

8) аҳоли орасида физкультура ва спортни оммавий равишда ривожлантириш, спорт майдонлари ва бошқа спорт иншоотлари қуриш чораларини кўради.

22-м о д д а. Меҳнат ва социал таъминот соҳасида халқ депутатлари посёлка, қишлоқ Совети:

1) граждандарни ишга жойлаштиришга кўмаклашади, ихтисосга эга бўлишда уларга ёрдам беради; Совет террито-

риясида жойлашган колхозлар, совхозлар ва корхоналарда меҳнат тўғрисидаги қонунларга, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси қондаларига риоя этилишини контроль қилишда касаба союз ташкилотлари билан биргаликда қатнашади; ўсмирлар ва ёшларни ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш қондаларига риоя этилишини контроль қилади;

2) инвалидлари, ҳарбий хизматчилар, ҳалок бўлган жангчилар ва партизанларнинг оила аъзоларини ишга жойлаштиришни таъминлайди, шу шахсларга қонун билан белгиланган имтиёзлар ва афзалликлар берилишини контроль қилиб боради; инвалидларнинг ҳунар таълимига ёрдам беради;

3) пенсия ҳақидаги қонунларга риоя этилишини контроль қилади; зарур бўлган ҳолларда ишчилар, хизматчилар, колхозчилар ва уларнинг оила аъзоларига пенсиялар тайинланишида кўмаклашади; колхозчиларнинг социал таъминоти бўйича колхоз Советлари, шунингдек колхозлардаги жамоатчилик ўзаро ёрдам кассалари ишнинг контроль қилади; колхозчилар меҳнат дафтарчаларининг тўғри юритилишини ва колхозларда архив ҳужжатларининг сақланишини текширади;

4) посёлка, қишлоқ бюджетида кўзда тутилган маблағлар доирасида давлат пенсиялари олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга нафақалар тайинлайди;

5) кўп болали ва ёлғиз оналарга нафақалар тайинлаш тўғрисида ҳамда табиий офатлардан зарар кўрган граждандарга бир йўла нафақалар бериш ҳақида юқори Советнинг ижроия қўмитетига тақлифлар киритади; муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига қонунларда кўзда тутилган нафақаларнинг тайинланишга ёрдам беради;

6) кўп болали оилаларнинг моддий ва уй-жой-маиший шароитларини яхшилаш ҳақида ғамхўрлик қилади;

7) муҳсож бўлган шахсларни инвалидлар ва қариялар уйларига жойлаштириш юзасидан социал таъминот меъёрулари орқали чоралар кўради; инвалидлар ва қарияларнинг колхоз ва колхозлараро уйлари ташкил этишга ёрдам беради; инвалидлар ва қариялар уйлариининг ишнинг контроль қилиб боради.

23-м о д д а. Социалистик қонунчиликни, давлат ва жамоат тартибининг сақланишини ҳамда граждандар ҳуқуқларининг муҳофаза қилинишини таъминлаш, халқ контролини амалга ошириш соҳасида халқ депутатлари посёлка, қишлоқ Совети;

1) ССР Иттифоқи, Тожикистон ССР қонунларига ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви юқори органларининг бон-қа актларига риоя этилишини, давлат ва жамоат тартиб-ининг, социалистик мулкнинг сақланишини, граждандар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, колхозлар, кеспера-

тив ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларининг муҳофаза қилинишини таъминлайди; аҳолига қонунларининг тушунтириб берилишини ташкил этади;

2) посёлка, қишлоқ Советига бўйсунувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг қонунларга зид бўлган буйруқлари ва фармойишларини бекор қилади;

3) ердан фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш қурилиш, уй-жой ва коммунал хўжалик, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, халқ истеъмол қиладиган товарларни ва маҳаллий бинокорлик материалларини ишлаб чиқариш, тарих ва маданият ёдгорликларини қўриқлаш ҳамда улардан фойдаланиш, аҳолига социал-маданий, маиший ва бошқа хизмат кўрсатиш масалалари юзасидан колхоз аъзолари умумий йиғилишлари ёки улар вакиллари йиғилишларининг, матлубот жамияти аъзолари умумий йиғилишлари (вакиллар йиғилишлари) ёки пайчилар участка йиғилишларининг, колхоз ва қишлоқ матлубот жамиятлари правленселарининг қонунларга зид бўлган қарорлари, юқори органларга бўйсунувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг қонунларга зид бўлган буйруқлари ва фармойишлари ижросини тўхтатиб қўяди ҳамда бу ҳақда тегишли юқори органларга маълум қилади;

4) Совет ҳузурдида халқ контроли группасини тузади ва унинг составини ўзгартиради, халқ контроли группасининг фаолиятига раҳбарлик қилади, унинг иши тўғрисидаги ҳисоботларни тинглайди; Совет территориясида жойлашган колхозлар, совхозлар, корхоналар, муассасалар ва бошқа ташкилотлардаги халқ контроли группалари ва постларига ёрдам кўрсатади;

5) жамоат тартибини сақлаш кўнгилли халқ дружиналари ва ўртоқлик судларининг фаолиятига раҳбарлик қилади; Совет территориясидаги милиция участка инспекторининг ишини контроль қилади;

6) граждандарни қабул қилади; граждандарнинг таклифлари, аризалари ва шикоятларини қонунда белгиланган муддатларда кўриб чиқади ва улар юзасидан зарур чораларни кўради; Совет территориясида жойлашган колхозлар, совхозлар, корхоналар, муассасалар ва бошқа ташкилотларда граждандарнинг таклифлари, аризалари ва шикоятларини кўриб чиқиш тартибига риоя этилишини контроль қилиб боради, шу масалалар юзасидан улар раҳбарларининг ҳисоботларини тинглайди;

7) паспорт системаси қоидаларининг бажарилишини контроль қилиб боради ва белгиланган тартибда граждандарни ҳисобга ўтказадиган ва ҳисобдан чиқаради;

8) Тожикистон ССР қонунларига мувофиқ гражданлик ҳолати актларини қайд қилади;

9) васийлар ва ҳомийларни тайинлайди, уларнинг ўз бурчларини бажаришларини контроль қилади;

10) колхоз хонадонлари онлавий-мулкӣ тақсимотини кайд қилади;

11) ССР Иттифоқи ва Тожикистон ССРининг давлат нотариати тўғрисидаги қонунларига мувофиқ нотариал ҳаракатларни бажаради;

12) граждaнларга шахсий, онлавий, мулкӣ аҳволини гувоҳлантирувчи справкалар ва қонунларда кўзда тутилган справкаларни беради;

13) эгасиз мулкни, шунингдек мерос тариқасида давлатга ўтган мулкни сақлаш ва улардан фойдаланиш чораларини кўради;

14) аҳоли пунктларида ёнғинга қарши тадбирларнинг ўтказилишини ташкил этади; кўнгилли ўт ўчириш дружиналарининг ишига раҳбарлик қилади;

15) табиӣ офатларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатиш чораларини кўради, зарур бўлган тақдирда белгиланган тартибда аҳолини табиӣ офатларга қарши курашга ва уларнинг оқибатларини тугатишга жалб этади;

16) диний эътиқодлар ҳақидаги қонунларга риоя этилишини контроль қилади

24-м о д д а. Мудофаа ишлари соҳасида халқ депутатлари посёлка, қишлоқ Совети:

1) умумий ҳарбий мажбурият тўғрисидаги СССР Қонунининг барча граждaнлар томонидан бажарилишини таъминлайди; белгиланган тартибда ҳарбий мажбуриятлилар ва ҳарбий хизматга чақирувчиларининг бирламчи ҳисобини олиб боради; ҳарбий мажбуриятлилар ва ҳарбий хизматга чақирилувчиларга уларнинг ҳарбий комиссариатларга чақирилиши ҳақида маълум қилади ҳамда шу чақирик бўйича ўз вақтида келишларига ёрдам беради;

2) граждaн мудофаасини ташкил этиш чораларини кўради;

3) СССР Қуролли Кучлари сафларидан запасга бўшатилган ва хизматни ўтаб қайтган граждaнларининг ишига жойлаштирилишини таъминлайди;

4) аҳолини, айниқса, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларини олиб боради.

25-м о д д а. Халқ депутатлари посёлка, қишлоқ Совети ва унинг ижроия комитети жамоат тартибини, аҳоли пунктларида санитария ҳолатини сақлашни, табиатни, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилишни таъминлайдиган қоидаларни, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва қуриш, спиртли ичимликлар билан савдо қилиш қоидаларини

бузганликлари учун, колхозлар ва совхозларда экинларни тайхон қилдирганликлари учун ҳамда бошқа бузишлар учун Тожикистон ССР қонунилари билан белгиланган ҳолларда ва тартибда мансабдор шахсларга ҳамда граждaнларга маъмурий жазо чораларини кўришлари мумкин.

Маъмурий тартибда жазо берилишига сабаб бўладиган ҳуқуқ-тартиботни бузишлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш учун посёлка, қишлоқ Совети зарур бўлган ҳолларда юқори Совет ижроия комитетининг рухсати билан посёлка, қишлоқ Совети ижроия комитети ҳузурида маъмурий комиссияни тузади.

26-м о д д а. Халқ депутатлари посёлка, қишлоқ Совети «Қадрамон-она» фахрий унвони беришга ҳамда «Оналик муҳратн» орденилари ва «Оналик медали», «Ёнигидаги жасурлиги учун» ва «Сувга чўкаётганларни қутқазганлик учун» медаллари билан мукофотлашга, шунингдек Тожикистон ССРнинг давлат мукофотлари билан мукофотлашга тақдим этиш тўғрисида юқори Совет ижроия комитетига илтимосномалар киритади.

27-м о д д а. Халқ депутатлари посёлка, қишлоқ Совети ушбу Қонунда кўзда тутилган ҳуқуқ ва бурчлардан ташқари СССР Иттифоқи ва Тожикистон ССР қонунарига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар ва бурчларни ҳам амалга ошириши мумкин.

III — б о б

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ПОСЁЛКА, ҚИШЛОҚ СОВЕТИНИНГ ИШИНИ ТАШҚИЛ ЭТИШ

1. Халқ депутатлари посёлка, қишлоқ Советининг сессиялари

28-м о д д а. Халқ депутатлари посёлка, қишлоқ Советининг сессиялари Советнинг ижроия комитети томонидан йилда камда тўрт марта, яъни ҳар уч ойда бир марта чақирилади.

Посёлка, қишлоқ Советининг сессияси посёлка, қишлоқ Совети депутатлари камда учдан бир қисмининг таклифига биноан ҳам чақирилиши мумкин.

29-м о д д а. Халқ депутатлари янгидан сайланган посёлка, қишлоқ Советининг биринчи сессияси олдинги чақириқ посёлка, қишлоқ Советининг ижроия комитети томонидан сайловдан кейин икки ҳафта муддатдан қечиктирилмасдан чақирилади ва посёлка, қишлоқ Совети энг кекса депутатларидан бири томонидан очилади.

Янгидан ташкил этилган посёлкада, қишлоқ Советида по-

сёлка, қишлоқ Советининг биринчи сессияси халқ депутатлари юқори Советининг ижроия комитети томонидан аҳоли пункти шаҳар типдаги посёлкалар категориясига киритилган ёки қишлоқ Совети ташкил этилган кундан эътиборан икки ҳафта муддатдан кечиктирилмасдан, янгида ташкил этилган посёлкада, қишлоқ Советида сайлов утказилган тақдирда — тегишли посёлка, қишлоқ Советига сайлов утказилган кундан эътиборан икки ҳафта муддатдан кечиктирилмасдан чақирилади.

Посёлка қишлоқ, Советининг шундан кейинги сессиялари Совет ижроия комитетининг раиси томонидан очилади. Сессияни олиб бориш учун посёлка, қишлоқ Совети депутатлардан раис ва секретарь сайлайди.

30-м о д д а. Халқ депутатлари посёлка, қишлоқ Советининг сессиясини чақириш вақти ва утказиш ҳоли тугрисида, шунингдек Советининг қарамоғига киритиладиган масалалар ҳақида посёлка, қишлоқ Советининг ижроия комитети сессияга камида беш кун қолганда депутатларга маълум қилади ва аҳолининг ахборотига етказди. Посёлка, қишлоқ Советининг ижроия комитети Советининг қарамоғига киритиладиган масалалар юзасидан депутатларга зарур материалларни беради.

31-м о д д а. Халқ депутатлари посёлка, қишлоқ Советининг сессияси посёлка, қишлоқ Совети депутатлари умумий сонининг камида учдан икки қисми бўлганда ваколатлидир.

Посёлка, қишлоқ Совети сессиясининг ишида маслаҳат овози ҳуқуқи билан юқори Советларнинг депутатлари, шунингдек сессияга таклиф қилинган граждaнлар, тегишли давлат ва жамоат органлари, колхозлар, совхозлар, корхоналар, муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари қатнашишлари мумкин.

32-м о д д а. Халқ депутатлари посёлка, қишлоқ Совети сессиясининг қарамоғига масалалар унинг ижроия комитети, посёлка, қишлоқ Советининг доимий комиссиялари ва депутатлари томонидан киритилади.

Посёлка, қишлоқ Совети сессиясининг кун тартибига таклифлар Совет территориясида жойлашган колхозларнинг правлениелари, совхозлар, корхоналар, муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг маъмурияти, жамоат ташкилотлари томонидан, шунингдек посёлка, қишлоқ граждaнларининг умумий йиғилишлари томонидан тақдим этилиши мумкин.

Сессиянинг кун тартиби ва иш тартиби посёлка, қишлоқ Совети томонидан тасдиқланади.

33-м о д д а. Халқ депутатлари посёлка, қишлоқ Совети ССР Иттифоқи ва Тожикистон ССР қонунлари билан унинг бошқарувида киритилган ҳар қандай масалаларни сессиялар-

да кўриб чиқиш ва ҳал этишга ваколатлидир. Қуйидаги масалалар фақат сессиялардагина ҳал қилинади:

1) депутатларнинг ваколатларини таниш; қонуларда кўзда тутилган ҳолларда депутатларнинг ваколатларини муддатидан илгари бекор қилиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш; депутатларнинг сўровларини кўриб чиқиш ва сўровлар юзасидан қарорлар қабул қилиш; депутатларнинг ўз депутатлик бурчларини, Совет ва унинг органлари қарорлари ва топишириқларини қандай бажараётганлиги тўғрисидаги ахборотларини тинглаш;

2) Советнинг ижроия комитетини сайлаш ва унинг составини ўзгартириш; Советнинг доимий комиссияларини тузиш, сайлаш ва уларнинг составини ўзгартириш;

3) ижроия комитет ва доимий комиссияларнинг иши тўғрисидаги ҳисоботлар;

4) Совет ҳузурида халқ контроли группасини тузиш, унинг составини ўзгартириш, Совет ҳузуридаги халқ контроли группасининг иши тўғрисидаги ҳисоботни тинглаш;

5) Советнинг ижроия комитети ҳузурида маъмурий комиссияни ва қонуларда кўзда тутилган бошқа комиссияларини тузиш;

6) посёлкани, қишлоқ Советини иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг жорий ва перспектив планларини ҳамда илавларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлаш;

7) аҳоли пунктларини планлаштириш ва қуриш лойиҳаларини кўриб чиқиш;

8) сайловчиларнинг наказларини бажариш соҳасидаги тадбирлар планини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

9) посёлка, қишлоқ бюджетини ва унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш;

10) посёлка, қишлоқ бюджетининг даромад қисмининг ортиги билан бажариш ва харажат қисмининг тежаси ҳисобига қўшимча олинган маблағларни сарфлаш;

11) колхозлар, совхозлар, корхоналар ва бошқа ташкилотлар томонидан уй-жой, йўл, коммунал, маданий-маиший қурилишга ва ободончиликка ажратилган маблағларни бирлаштириш ва сарфлаш;

12) мактаблар, мактабгача ва мактабдан ташқари тарбия болалар муассасалари, соғлиқни сақлаш ва маданият муассасалари, коммунал-маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг раҳбарларини тасдиқлаш ва лавозимдан бўшатиш;

13) колхозларнинг Уставлари ва қишлоқ хўжалигидаги хўжаликлараро корхоналар (ташкилотлар)нинг Уставлари юзасидан мулоҳазалар ва таклифларни кўриб чиқиш;

14) посёлкани, қишлоқ Советини ташкил этиш, бирлаштириш, тугатиш, ном бериш ёки номини ўзгартириш, унинг территорияси чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, қишлоқ

Советининг марказини кўчириш, шунингдек посёлкани, қишлоқ Советини бир райондан иккинчисига утказиб бериш.

34-м о д д а. Халқ депутатлари посёлка, қишлоқ Советининг қарорлари Совет депутатлари умумий сони овозларининг оддий кўпчилиги билан очик овоз берган ҳолда қабул қилинади ҳамда Совет ижроия комитетининг раиси ва секретар томонидан имзоланади.

Посёлка, қишлоқ Советининг ижроия комитет составини сайлаш ёки ўзгартириш тўғрисидаги қарорлари, шунингдек посёлка, қишлоқ Совети сессиясининг протоколи Совет сессиясининг раиси ва секретари томонидан имзоланади.

35-м о д д а. Халқ депутатлари посёлка, қишлоқ Советининг қарорлари тегишли ташкилотлар, мансабдор шахслар ва граждaнларнинг ахборотига беш кун муддатдан кечиктирилмасдан етказилади.

Совет территориясида жойлашган, юқори органларга бўйсунувчи колхозлар, совхозлар, корхоналар, муассасалар ва бошқа ташкилотлар номига посёлка, қишлоқ Совети қарорларида баён этилган таклифлар ва тавсияномалар ана шу ташкилотларнинг раҳбарлари томонидан беш кун муддатдан кечиктирилмасдан кўриб чиқилиши ва кўриб чиқиш натижалари Советга маълум қилиниши лозим.

Депутатлар томонидан Совет сессиясида айтилган ёки сессияда раислик қилувчига ёзма шаклда топширилган таклиф ва мулоҳазалар посёлка, қишлоқ Совети томонидан кўриб чиқилади, ёхуд Совет томонидан тегишли давлат ва жамоат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг қарамонига юборилади, улар ўн кун муддат ичида бу таклифлар ва мулоҳазаларни кўриб чиқишлари ҳамда натижалари тўғрисида бевосита депутатга, шунингдек посёлка, қишлоқ Советининг ижроия комитетига маълум қилишлари шарт.

Депутатларнинг таклифлари ва мулоҳазаларини кўриб чиқиш ҳамда амалга ошириш устидан посёлка, қишлоқ Советининг ижроия комитети контроль қилиб боради.

36-м о д д а. Халқ депутатлари посёлка, қишлоқ Советининг қарорлари қонуnларга мувофиқ келмай қолган тақдирда улар халқ депутатлари юқори Совети томонидан бекор қилиниши мумкин.

2. Халқ депутатлари посёлка, қишлоқ Советининг ижроия комитети

37-м о д д а. Совет томонидан депутатлардан ижроия комитет раиси, раисининг бир ёки икки ўринбосари, секретари ва иккидан олтигача аъзоларидан иборат составда сайлана-

диган ижроия комитет посёлка, қишлоқ Советининг ижроия этувчи ва бошқарувчи органидир.

Посёлка, қишлоқ Совети ижроия комитетининг миқдор состави посёлка, қишлоқ Совети томоидаи белгиланади.

38-м о д д а. Халқ депутатлари посёлка, қишлоқ Советининг ижроия комитети йилига камида бир марта ўзини сайлаган Совет олдида, шунингдек меҳнат коллективларининг йиғилишларида ва граждaнларнинг истиқомат жойларида ҳисоб бериб туради.

39-м о д д а. Халқ депутатлари посёлка, қишлоқ Советининг ижроия комитети бевосита ўзини сайлаган Советга ҳам, юқори ижро этувчи ва бошқарувчи органга ҳам ҳисоб бериб туради.

40-м о д д а. Халқ депутатлари посёлка, қишлоқ Советининг ижроия комитети ўзини сайлаган Советнинг ҳамда юқори давлат ҳокимияти ва бошқарувчи органларининг қарорлари асосида Совет территориясидаги давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилишга раҳбарлик қилади.

Посёлка, қишлоқ Советининг ижроия комитети Совет қарармоғига киритилган ҳамма масалаларни ҳал этишга ҳақлидир, ушбу Қонуннинг 33-моддасига мувофиқ фақат Советнинг сессияларидагина ҳал этилиши лозим бўлган масалалар бундан мустаснодир.

41-м о д д а. Халқ депутатлари посёлка, қишлоқ Советининг ижроия комитети Советнинг сессияларини чақиради ва уларнинг тайёрланишини таъминлайди, энг муҳим масалалар юзасидан Совет қарорлари лойиҳаларининг меҳнат коллективларининг йиғилишларида ва граждaнларнинг истиқомат жойларда олдиндан муҳокама этилишини ташкил қилади.

42-м о д д а. Халқ депутатлари посёлка, қишлоқ Советининг ижроия комитети Совет доимий комиссияларининг ишини уйғушлаштириб туради, уларни Совет сессияларида ва унинг ижроия комитети мажлисларида кўриб чиқиладиган масалаларни тайёрлашга жалб этади.

43-м о д д а. Халқ депутатлари посёлка, қишлоқ Советининг ижроия комитети депутатларга ўз ваколатларини амалга оширишларида, сайловчилар олдида, шунингдек депутатликка ўз номзодларини кўрсатган коллективлар ва жамоат

ташкilotлари олдидаги ҳисоботларини тайёрлаш ва ўтказишда ёрдам беради, Советнинг, ижроия комитет ва доимий комиссияларнинг фаолияти тўғрисида, посёлкани, қишлоқ Советини иқтисодий ва социал ривожлантириш планларининг қандай бажарилаётганлиги ҳақида, депутатларнинг таъкидий мулоҳазалари ва таклифлари юзасидан кўрилган чоралар тўғрисида депутатларни хабардор қилиб туради, депутатларнинг совет қонунларини, Советларнинг иш тажрибасини ўрганишларига кўмаклашади.

44-м о д д а. Халқ депутатлари посёлка, қишлоқ Советининг ижроия комитети посёлкани, қишлоқ Советини иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг жорий ва перспектив планларини, посёлка, қишлоқ бюджетини ишлаб чиқади ва посёлка, қишлоқ Советига киритади; планлар ва бюджетининг амалга оширилиши чораларини кўради; посёлка, қишлоқ Советига планларнинг бажарилиши ва бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этади.

45-м о д д а. Халқ депутатлари посёлка, қишлоқ Советининг ижроия комитети Совет ва юқори давлат органлари қарорларининг бажарилишини ташкил этади; сайловчиларнинг наказларини бажариш юзасидан тадбирлар планини Советнинг қарамонига тақдим қилади ва уларнинг ижросини ташкил этади, наказларнинг қандай бажарилаётганлиги тўғрисида депутатларни ва аҳолини хабардор қилиб туради.

46-м о д д а. Халқ депутатлари посёлка, қишлоқ Совети ижроия комитетининг мажлислари заруратига қараб, аммо ойига камида бир марта чақирилади.

Посёлка, қишлоқ Совети ижроия комитетининг мажлислари Совет ижроия комитети умумий составининг камида учдан икки қисми бўлганда ваколатлидир.

Посёлка, қишлоқ Советининг ижроия комитети ўз компетенцияси доирасида қарорлар қабул қилади ва фармойишлар чиқаради.

Посёлка, қишлоқ Совети ижроия комитетининг қарорлари ижроия комитет бутун составининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади ҳамда Совет ижроия комитетининг раиси ва секретари томонидан имзоланади.

Посёлка, қишлоқ Совети ижроия комитетининг фармойишлари ижроия комитетнинг раиси томонидан имзоланади.

47-м о д д а. Халқ депутатлари посёлка, қишлоқ Совети ижроия комитетининг қарорлари посёлка, қишлоқ Совети ва юқори Советнинг ижроия комитети томонидан бекор қилиниши мумкин.

Халқ депутатлари посёлка, қишлоқ Совети ижроия комитетининг қарорлари ва фармойишлари қонунга мувофиқ келмай қолган тақдирда ҳам халқ депутатлари юқори Совети томонидан бекор қилиниши мумкин.

48-м о д д а. Халқ депутатлари посёлка, қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси ижроия комитетининг ишини ҳамда посёлка, қишлоқ Совети ва унинг ижроия комитети қарорларининг бажарилишини ташкил этади, ана шу қарорларни ижро этиш йўлида фармойишлар чиқаради.

Посёлка, қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси посёлка, қишлоқ бюджети бўйича кредитларнинг бошқарувчиси ҳамда посёлка, қишлоқ Советининг СССР Давлат банки муассасаларидаги ёки давлат меҳнат омонат кассасидаги жорий счётларининг бошқарувчисидир.

49-м о д д а. Халқ депутатлари посёлка, қишлоқ Совети ижроия комитетининг секретари посёлка, қишлоқ Советининг сессияларига, унинг ижроия комитети мажлисларига материаллар тайёрлайди, ижроия комитет мажлисларининг протоколлари олиб боради, посёлка, қишлоқ Совети, унинг ижроия комитети қарорларининг ижрочиларга ўз вақтида етказилишини кузатиб боради, ишларнинг юритилиши, ҳисоб-китоб ва ҳисобот, посёлка, қишлоқ Совети ҳужжатларининг сақланиши учун жавобгардир, посёлка, қишлоқ Советининг ижроия комитети томонидан ўз зиммасига юклатилган бошқа бурчларни бажаради.

50-м о д д а. Халқ депутатлари посёлка, қишлоқ Советининг ваколатлари тугаши билан унинг ижроия комитети янги чақириқ халқ депутатлари посёлка, қишлоқ Совети томонидан ижроия комитет сайлангунга қадар ўз ваколатларини сақлаб қолади.

3. Халқ депутатлари посёлка, қишлоқ Советларининг доимий комиссиялари

51-м о д д а. Халқ депутатлари посёлка, қишлоқ Совети посёлка, қишлоқ Советининг бошқарувига тааллуқли масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш учун, шунингдек Совет қарорларини турмушга татбиқ этишга кўмаклашиш, давлат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг фаолиятини контроль қилиб бориш учун депутатлардан доимий комиссиялар сайлайди.

Доимий комиссиялар комиссия раиси ва аъзолари составида сайланади. Ҳар бир комиссиянинг миқдор состави посёлка, қишлоқ Совети томонидан белгиланади.

Доимий комиссиялар зарур бўлиб қолган тақдирда ўз сос-

тавидан комиссия раисининг ўринбосарини ва секретарини сайлайдилар.

Посёлка, қишлоқ Совети ижроия комитети составига кирадиган депутатлар доимий комиссияларининг составига сайланишлари мумкин эмас.

52-м о д д а. Халқ депутатлари посёлка, қишлоқ Советининг доимий комиссиялари ўзларини сайлаган Совет сидда жавобгар бўлиб, унга ҳисоб бериб турадилар.

53-м о д д а. Халқ депутатлари посёлка, қишлоқ Совети ўз ваколатлари муддатига мандат комиссиясини, план-бюджет комиссиясини, социалистик қонунчилик ва жамоат тартибини сақлаш бўйича комиссияни, шунингдек давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилишнинг бошқа масалалари бўйича доимий комиссияларни сайлайди.

54-м о д д а. Халқ депутатлари посёлка, қишлоқ Советининг мандат комиссияси:

1) Совет депутатларининг ваколатларини текшириш ва унинг қарамоғига депутатларнинг ваколатларини таъин қилишда, сайлов тўғрисидаги қонунлар бузилган тақдирда — айрим депутатларнинг сайланишини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида таклифлар тақдим этади;

2) ўрни бўшиб қолган депутатлар ўрнига депутатлар сайлаш масалалари юзасидан таклифлар тайёрлайди ва бу таклифларни Совет ижроия комитетига киритади;

3) депутатнинг дахлсизлиги ва депутатлик фаолиятининг бошқа гарантиялари билан ёки сайловчилар томонидан депутатнинг чакириб олиниши билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан хулосалар тайёрлайди.

55-м о д д а. Халқ депутатлари посёлка, қишлоқ Советининг план-бюджет комиссияси:

1) ижроия комитет томонидан Советнинг тасдиғига киритилган посёлкани, қишлоқ Советини иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг жорий ва перспектив планларини, уларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни дастлабки тарзда кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан ўз хулосаларини беради;

2) ижроия комитет томонидан Советнинг тасдиғига киритилган посёлка, қишлоқ бюджетини, унинг ижроси ҳақидаги ҳисоботни дастлабки тарзда кўриб чиқади ва улар юзасидан ўз хулосаларини беради;

3) посёлкани, қишлоқ Советини иқтисодий ва социал ривожлантириш планлари, посёлка, қишлоқ бюджети ҳамда

планларининг бажарилиши ва бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар юзасидан Советнинг бошқа доимий комиссияларидан тушган мулоҳазалар ва таклифларин кўриб чиқади ҳамда келишиб олади;

4) хўжаликларнинг ички резервларини ва бюджетнинг қўшимча даромадларини аниқлаш ҳамда давлат маблағларини сарфлашда тежаш режимини қучайтириш ишларини олиб боради;

5) посёлкани, қишлоқ Советини иқтисодий ва социал ривожлантириш планларининг бажарилишини ҳамда посёлка, қишлоқ бюджетининг ижросини контроль қилиб боради;

6) Совет ва унинг ижроия комитети қарамоғига киритилган бошқа план ва бюджет-молниявий масалаларни тайёрлашда қатнашади.

56-модда. Халқ депутатлари посёлка, қишлоқ Советининг социалистик қонунчилик ва жамоат тартибини сақлаш бўйича комиссияси:

1) Совет территориясида социалистик қонунчиликнинг, давлат ва жамоат тартибининг сақланишини, граждандар ҳуқуқларининг муҳофаза қилинишини таъминлаш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашади;

2) колхозлар, совхозлар, корхоналар, муассасалар ва бошқа ташкилотларда социалистик қонунчиликка риоя этилишини, граждандар таклифлари, аризалари ва шикоятларининг туғри ва ўз вақтида кўриб чиқилишини ҳамда уларни қабул қилишнинг ташкил этилишини текширишда қатнашади;

3) жамоат тартибини сақлаш қўнгилли халқ дружиналари ва ўртоқлик судларининг ишига ёрдам беради;

4) граждандарга қонунларни тушунтириб бериш ҳамда уларни совет қонунларига қатъий риоя этиш ва социалистик турмуш қондаларини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш соҳасидаги ишларда қатнашади.

57-модда. Халқ депутатлари посёлка, қишлоқ Советининг давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилишнинг бошқа масалалари бўйича доимий комиссиялари:

1) қишлоқ хўжалиги, саноат ҳамда хўжалик ва социал-маданий қурилишнинг бошқа соҳаларидаги қўшимча резервлар ва имкониятларни аниқлаш ишларини олиб борадилар, шу масалалар юзасидан таклифлар тайёрлайдилар ва бу таклифларни Совет ёки унинг ижроия комитети қарамоғига киритадилар;

2) Совет, унинг ижроия комитети ва юқори давлат орган-

ларни қарорларининг бажарилишини текширишда, шунингдек шу қарорларни амалга ошириш соҳасидаги ташкилотчиллик ишларида қатнашадилар;

3) ўз ваколатлари доирасида Совет территориясидаги колхозлар, совхозлар, корхоналар, муассасалар ва бошқа ташкилотларни текширадилар; текшириш натижалари юзасидан таклифларни колхоз правленселарни, совхозлар, корхоналар, муассасалар ва бошқа ташкилотлар раҳбарларининг қарамоғига топширадилар, зарур бўлган тақдирда эса Совет ёки унинг ижроия комитети қарамоғига таклифлар киритадилар.

58-м о д д а. Халқ депутатлари посёлка, қишлоқ Советининг доимий комиссиялари ўз бошқарувига тааллуқли масалалар юзасидан ўз мажлисларида посёлка, қишлоқ Совети территориясида жойлашган давлат ва жамоат органларининг, колхозлар, совхозлар, корхоналар, муассасалар ва бошқа ташкилотлар раҳбарларининг докладлари ва ахборотларини тинглашга ва уларга тавсияномалар беришга ҳақлидирлар.

Доимий комиссияларнинг тавсияномалари тегишли давлат ва жамоат органлари, колхозлар, совхозлар, корхоналар, муассасалар ва бошқа ташкилотлар томонидан албатта қуриб чиқилиши лозим. Қуриб чиқиш натижалари тўғрисида ёки кўрилган чоралар ҳақида бир ой муддатдан кечиктирилмасдан ёхуд комиссиялар томонидан белгиланган бошқа муддатда комиссияларга маълум қилиниши керак.

Доимий комиссиялар ўз бошқарувига тааллуқли масалалар юзасидан посёлка, қишлоқ Совети территориясида жойлашган давлат ва жамоат органларидан, колхозлар, совхозлар, корхоналар, муассасалар ва бошқа ташкилотлардан зарур материаллар ва ҳужжатларни талаб қилиб олишга ҳақлидирлар.

59-м о д д а. Халқ депутатлари посёлка, қишлоқ Советининг доимий комиссияси ўзи Совет ёки унинг ижроия комитети қарамоғига киритган масалалар юзасидан, шунингдек тайёрлашда ўзи иштирок этган масалалар юзасидан ўзининг докладчисини ёки қўшимча докладчисини ажратиши мумкин.

60-м о д д а. Халқ депутатлари посёлка, қишлоқ Совети доимий комиссиясининг мажлислари комиссиянинг иш планига мувофиқ чақирилади.

